O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1999 йил 3 ноябрь, чоршанба • № 87 (11.170) • Эркин нархда сотилади

## ВИЛОЯТ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ МАЖЛИСИ

***Шу йил 31 октябрь куни вилоят сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.***

Унда вилоят сайлов комиссиясининг раиси Фарруҳ Мирзааҳмедов Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутатлигига сиёсий партиялар, ташаббускор гуруҳлар ва ҳокимлик вакиллик органлари томонидан вилоят Кенгаши депутатлигига кўрсатилган номзодлар юзасидан ахборот берди.

Шунингдек, мажлисда депутатликка кўрсатилган номзодларни рўйхатга олиш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Мажлисда депутатликка тавсия этилган ҳар бир номзод ва у ҳақида вилоят сайлов комиссиясига тақдим этилган ҳужжатларни ўрганишга жиддий ёндошилганлиги таъкидланди.

Мажлисда сайловчилар ташаббускор гуруҳлари, сиёсий партиялар ва ҳокимлик вакиллари органлари томонидан халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутатлигига кўрсатилган номзодлар рўйхатга олинди ва тегишли қарор қабул қилинди.

**(Номзодлар рўйхати газетанинг 2-, 3-, 4-бетларида эълон қилинмоқда).**

**1999 йил 5 декабрь**
*Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар куни*

**2000 йил 9 январь**
*Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни*

**• ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи 161-«Юқоричирчиқ» сайлов округи одамлар билан ҳамиша гавжум. Бу ерда улар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб топишлари учун қонунлар, газеталар тахламлари, турли қўлланмалар мавжуд.**

**СУРАТДА: сайловчилар (чапдан ўнгга) Тўлаган Юсупов, Гулшода Мирзаманбетова, Суннатилла Исмоилов, Муҳайё Шамсиевалар сайлов округида.**

***Владимир ГРАНКИН олган суратлар.***



## МУҲИМ БОСҚИЧ БОШЛАНДИ

***Вилоят сайлов комиссиялари Матбуот марказида Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашига сайловлар бўйича вилоят сайлов комиссияси ҳузуридаги оммавий ахборот воситалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи келишув кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди.***

Мазкур йиғилишда вилоят сайлов комиссияси аъзолари, сиёсий партиялар вилоят кенгашлари, мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази Тошкент вилоят бўлими раҳбарлари, депутатликка номзод кўрсатган ҳокимият вакиллик органлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашдилар.

Йиғилишда яқинлашиб келаётган сайловларга тайёргарликнинг энг долзарб босқичи — сайловолди тарғиботларини олиб боришда мавжуд қонунларга ва демократик тамойилларга қатъий риоя қилиш лозимлиги таъкидланди. Маълумки, депутатликка номзодлар тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан бошлаб, сайловолди ташвиқоти бошланади. Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилади. Сиёсий партиялар. Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази Тошкент вилоят бўлимига, ҳокимият вакиллик органига, қонунларда кўрсатилганидек, фаолият дастури билан чиқиш ҳуқуқи берилади. Бу чиқишлар республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига қарши қаратилган бўлмаслиги, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилмаслиги, унда уруш, миллий адоват, ирқий ва диний хусумат тарғиботи, конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини камситувчи хатти-ҳаракатларга даъват бўлмаслиги кераклиги яна бир бор эслатиб ўтилди.

Сиёсий партиялар вилоят кенгашлари, ҳокимият вакиллик органлари, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари томонидан республика Олий Мажлиси ҳамда халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашига кўрсатилаётган номзодларни тарғиб этишда вилоят газеталари, телерадио каналларидан фойдаланишда тенг шароитлар яратиш зарурлиги яна бир бор эътироф этилди. Йиғилишда иштирок этган вилоят газеталари, Ўзбекистон радиоси «Тошкент» Бош муҳарририяти, «ТВ-4» телеканали вакиллари оммавий ахборот воситаларида сайловолди ташвиқотини ёритишда холис тиражакларини, барча учун тенг имкониятлар яратиб берилишини таъкидладилар.

Бу сайловларимизнинг ҳаққоний ва адолатли ўтишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилиши қайд этилди.

Йиғилишда «Тошкент ҳақиқати» газетаси, «ТВ-4» телеканали, «Тошкент» радиостудияси дастурларида манфаатдор ташкилотлар ҳамда депутатликка номзодларни тенг ҳуқуқийлик асосида тарғиб қилиш тартиби узил-кесил келишиб олинди. Мазкур тартиб «Тошкент ҳақиқати» газетаси саҳифаларида эълон қилиниши ўринли деб топилди.

Шу куни вилоят сайлов комиссияси аъзолари ҳамда матбуот маркази раҳбари йиғилишда иштирок этган сиёсий партиялар Тошкент вилоят кенгашлари, мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази вилоят бўлими вакилларини, оммавий ахборот воситалари ходимларини қизиқтирган бошқа саволларга ҳам муфассал жавоб бердилар.

### «ТВ-4» ТЕЛЕКАНАЛИ ОРҚАЛИ ОЛИЙ МАЖЛИС ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАР КЎРСАТГАН ТАШКИЛОТЛАРНИНГ САЙЛОВОЛДИ ТАРҒИБОТ ДАСТУРЛАРИ БИЛАН ЭФИРГА ЧИҚИШ ТАРТИБИ

1. «Ватан тараққиёти» партияси — 11; 24 ноябрь кунлари, соат 16.10 — 16.40.
2. «Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази Тошкент вилоят бўлими. 12; 25 ноябрь кунлари, соат 16.10 — 16.40.
3. Ҳокимият вакиллик органлари вакили — 16; 26 ноябрь кунлари соат 16.10 — 16.40.
4. «Адолат» социал демократик партияси — 17; 30 ноябрь кунлари, соат 16.10 — 16.40.
5. «Фидокорлар» миллий демократик партияси — 18 ноябрь ва 1 декабрь кунлари, соат 16.10 — 16.40.
6. Халқ демократик партияси — 19 ноябрь ва 2 декабрь кунлари, соат 16.10 — 16.40.
7. «Миллий тикланиш» партияси — 23 ноябрь ва 3 декабрь кунлари, соат 16.10 — 16.40.

### ЎЗБЕКИСТОН РАДИОСИ «ТОШКЕНТ» БОШ МУҲАРРИРИЯТИ ОРҚАЛИ ОЛИЙ МАЖЛИС ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОД КЎРСАТГАН ТАШКИЛОТЛАРНИНГ САЙЛОВОЛДИ ТАРҒИБОТ ДАСТУРЛАРИНИ ЭФИРГА УЗАТИШ ТАРТИБИ

/»Сайловлар минбари» — эфир вақти 11.45 — 12.00/

1. «Ватан тараққиёти» партияси — 4; 11; 18; 25 ноябрь.
2. Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази Тошкент вилоят бўлими — 5; 12; 19; 26 ноябрь.
3. Ҳокимият вакиллик органлари вакили — 6; 13; 20; 27 ноябрь.
4. «Адолат» социал-демократик партияси — 7; 14; 21; 28 ноябрь.
5. «Фидокорлар» миллий-демократик партияси — 8; 15; 22; 29 ноябрь.
6. Халқ демократик партияси — 9; 16; 23; 30 ноябрь.
7. «Миллий тикланиш» партияси — 10; 17; 24 ноябрь ва 1 декабрь.

### «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ВА «ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА» ГАЗЕТАЛАРИДА ОЛИЙ МАЖЛИС ҲАМДА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОД КЎРСАТГАН ТАШКИЛОТЛАРНИНГ САЙЛОВОЛДИ ТАРҒИБОТ ДАСТУРЛАРИ БЕШ ҚОҒОЗ ҲАЖМДА (ИККИ ИНТЕРВАЛДА) ҚУЙИДАГИ ТАРТИБДА БЕРИЛАДИ

**6.XI. 1999 йил.**
Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази вилоят бўлими.
**10.XI. 1999 йил.**
«Миллий тикланиш» партияси вилоят кенгаши.
Ҳокимлик вакиллик органлари.
**13.XI. 1999 йил.**
«Адолат» социал-демократик партияси вилоят кенгаши.
Халқ демократик партияси вилоят кенгаши.
**17.XI. 1999 йил.**
«Фидокорлар» миллий демократик партияси вилоят кенгаши.
«Ватан тараққиёти» партияси вилоят кенгаши.

## ДУНЁ ЯНА БИР БОР ҲАЙРАТГА ТУШДИ

***Ўзбекистонлик чарм қўлқоп усталари энг кўп олтин медални қўлга киритиб, жамоа ҳисобида йигирманчи Осиё чемпионати ғолиби бўлдилар.***

ҲА, ХАЛҚАРО бокс ассоциацияси Президенти профессор Анвар Чаудрининг ушбу чемпионатнинг тантанали очилиши маросимида таъкидлаган сўзлари Тошкентдаги «Юнусобод» спорт мажмуи рингида ўз тасдиғини топди. Ўзбек боксчилари чемпионатнинг ўн иккита олтин медалидан еттитасини қўлга киритиб, дунёни яна бир бор ҳайратга солдилар.

ЎЗБЕКИСТОНЛИК боксчилар жаҳон рингига чиққанларидан буён ҳали бунақаси бўлмаган эди. Ҳатто, айтиш мумкинки, финалда ўн иккита вазн тоифасидан бир йўла еттитасини эгаллаш ва бунинг устига ана шу «олтин насиба»га юз фоиз эга бўлиш ҳали бирорта жамоага насиб этмаган. Мамлакатимиз чарм қўлқоп усталарининг бу галги ғалабалари ана шу жиҳати билан ғоят қимматли ва шарафлидир.



## «ДЎСТЛИК» — МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ЧЕМПИОН

***Вилоятимизнинг «Дўстлик» футбол жамоаси республика биринчилиги якунланишидан бир тур олдин чемпионлик унвонини қўлга киритди.***

ШУНИ қувонч билан таъкидлаш жоизки, республика чемпионатининг ҳар икки табақасидаги бу йилги беллашувлар вилоятимиз вакиллари учун омадли келди. Аввалига Ўзбекистон миллий чемпионатининг 30 октябрь куни бўлиб ўтган 29-тур учрашувида «Дўстлик» жамоаси вилоятимизнинг яна бир вакили «Металлург»ни 3:2 ҳисобида енгиб, муддатидан илгари чемпион бўлди.

Орадан бир кун ўтгач, яъни 31 октябрда миллий чемпионатнинг биринчи табақасида иштирок этиб келаётган Ангреннинг «Семурғ» ва Чирчиқнинг «Кимёгар» жамоалари ҳам сўнгги тур учрашувларини ғалаба билан якунлаб, биринчи ва иккинчи ўринни эгалладилар. Бундай муваффақият ҳар икки вакилимизга келгуси йилги миллий чемпионатда олий табақа жамоалари сафида тўп суриш ҳуқуқини берди.

Шундай қилиб, 2000 йилда бирйўла тўртта футбол жамоамиз республика Олий табақа миллий чемпионатида вилоятимиз спорт шарафини ҳимоя қилади.

Вилоятимизнинг ғолиб футбол жамоалари эришган ютуқлар ҳақида газетамизнинг навбатдаги сонларида батафсил ҳикоя қилишни режалаштирмоқдамиз.

Энди шу турнинг қолган учрашувларига келсак. Унда иккинчи поғонани эгаллаб турган Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси Самарқандда маҳаллий футболчиларга қарши тўп суриб, 1:0 ҳисобида ғолиб чиқдилар ва кумуш медал сари яна бир қадам қўйдилар.

«Навбаҳор» эса, Янгиерда майдон эгаларига қарши ўйнаб, рақиблар дарвозасини уч марта ишғол қилдилар. Ўз дарвозаларидан эса, бир тўп ўтказиб юбордилар. Улар 58 очко билан учинчи поғонани забт этиб турибдилар. Тошкентда «Трактор» — «Пахтакор» учрашуви ўтказилди. Дастлаб пахтакорчилар 3та жавобсиз тўп киритиб, ҳисобда анча олдинга чиқиб олдилар. Лекин бу ҳисоб учрашув охиригача сақланмади. Ўйиннинг сўнгги дақиқаларида майдон эгалари икки бор жавоб тўпи киритдилар. «Пахтакор» ҳисобидаги очколар 55тага етди.

*(Давоми 4-бетда).*

## СЕРМАЗМУН кунлар



• АЙНИ КЕЗЛАРДА чиндан ҳам мамлакатимизнинг ҳар бир куни сермазмун ўтмоқда. Чунки, ҳамма ерда Ўзбекистонимиз ҳаётида муҳим сиёсий кампания ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Олий Мажлис депутатлигига сайловлар ўтказишга тайёргарлик жараёни кундан-кунга қизғинлашиб бормоқда.

• ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлисида ҳам юқоридаги фикрлар қайд этилди. Марказий сайлов комиссияси раиси Н. Комилов бошқарган мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодлар кўрсатиш юзасидан сайловчилар ташаббускор гуруҳлари тақдим этган ҳужжатларни ўрганиб чиқиш бўйича тузилган ишчи гуруҳининг ахбороти тингланди.

• ҚИШ МАВСУМИ тобора яқинлашмоқда. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик темир йўл компаниясида республика вазирликлари ва идоралари раҳбарлари иштирокида мазкур мавсумга тайёргарликнинг боришига бағишланган радиоалоқа кенгаши ўтказилди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Л. Ахметов ва В. Отаев олиб бордилар.

• КУНИ КЕЧА Ўзбекистон Республикаси давлат божхона қўмитаси ҳайъатининг йиғилиши ҳам бўлиб ўтди. Қўмита раиси Ў. Комилов бошқарган ушбу йиғинда давлат божхона қўмитаси ва унинг худудий бошқармаларининг 1999 йил тўққиз ойи мобайнидаги тезкор хизмат фаолияти якунлари ҳамда жорий йил тўртинчи чорагида божхона органлари олдида турган вазифалар муҳокама этилди.

• «ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»ДА ташкил этилган Италиянинг «Экспо Италия-99» савдо кўргазмаси ниҳоясига етди. Тадбирда намойиш этилган 140дан ортиқ фирмаларнинг либослар ҳамда уй-рўзғор буюмлари маҳсулотлари ҳамюртларимизда катта таассурот қолдирди.

• ОИТС хасталиги «XX аср вабоси» деб бежиз айтилмайди. Шунинг учун ҳам бу хасталикка қарши кураш ишлари бизнинг мамлакатимизда ҳам кенг йўлга қўйилган. Республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси ташаббуси билан БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, республика ОИТС маркази ҳамда Дерматология ва венерология институти ҳамкорликда 1 декабрь — Халқаро ОИТСга қарши кураш кунига бағишланган семинар-йиғилиши ўтказилди.

## ВИЛОЯТ ҳаёти



• АНГРЕННИНГ Боғисурх қўрғонида кенг кўламда ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда, қатор маданий-маиший муассасалар бинолари қад кўтаряпти. Чунончи, мавжуд мактабга қўшимча синфлар, тўрт бўлимдан иборат соғломлаштириш пункти қурилмоқда. Бунёдкорлар бу иншоотларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунигача фойдаланишга топшириш учун ишларни кун сайин жадаллаштиряптилар.

• ПСКЕНТ туманидаги «Туркистон» жамоа хўжалиги меҳнаткашларига яна бир қулайлик яратилди. Бу ерда янги амбулатория фойдаланишга топширилди. Тиббиёт анжомлари билан тўла жиҳозланган бу масканнинг ўн икки нафар шифокор ва ҳамширалардан иборат жамоаси меҳнаткашларга хизмат кўрсатишга киришдилар.

• ОЛМАЛИҚДА республика армияга кўмаклашувчи «Ватанпарвар» кўнгилли жамиятининг минтақавий семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Унда жамиятнинг Тошкент шаҳри ва вилояти ҳамда Сирдарё вилояти, бундан ташқари қатор ҳарбий қисмлар, давлат ва ҳарбий автомобил назоратлари, турли жамоат ташкилотларининг вакиллари иштирок этдилар. Кенгашда «Ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлашда маънавий-маърифий тадбирларнинг аҳамияти» ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Мазкур соҳада тўпланган тажрибалар билан ўртоқлашилди ҳамда мавжуд муаммолар ҳақида фикр-мулоҳазалар баён этилди.

• ЯҚИНДА Юқоричирчиқ туманидаги «Олға» жамоа хўжалигида 75 ўринли қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Уни «Монтаж» қурилиш жамоа корхонасининг Ирина Савицкая бошчилигидаги бинокорлари бунёд этдилар. Саломатлик маскани замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланди. Бу туманда жорий йилда фойдаланишга топширилган шундай муассасаларнинг иккинчисидир. Уни айнан шу жамоа апрел ойида Жамбул номли жамоа хўжалигида барпо этган эди. Уларни қуришга 44 миллион сўм маблағ сарфланди. «Монтаж» корхонасининг бунёдкорлари Бўстонлиқ тумани Озодбош қўрғонида яна бир янги иншоотни тиклашга киришдилар.

• ЯНГИЙЎЛ тумани маркази Гулбаҳорда почта уйи очилди. Уни бунёд этишда «Фарҳод қурувчи» хусусий фирмаси бинокорлари ғайрат кўрсатишди. Янги почта уйи замонавий техника ва жиҳозлар билан жиҳозланган.

• ҚИБРАЙ тумани мактабларида «Фидокорлар» миллий демократик партияси ташаббуси билан «Ёшлар қаноти» гуруҳлари тузила бошланди. Бу «Ёш экологлар» ва «Эъзоз» ҳаракати гуруҳлари тумандаги мактаб ва лицейлар билан яқин алоқада бўлиб, ўқувчиларда ватанпарварлик туйғусини ўстириш масалалари билан шуғулланади.

